ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.30.05.2018.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТУЛЛАЕВА ШАХОДАТ ЗИЁТОВНА

ҲАРАКАТ ТАРЗИ ШАКЛЛАРИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ВА СОЦИОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТИ

(ўзбек тили материали асосида)

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2018

УДК: 4194375

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Рахматуллаева Шаходат Зиётовна
Ҳаракат тарзи шаклларининг лингвокультурологик ва социопрагматик хусусияти (ўзбек тили материали асосида).....5

Рахматуллаева Шаходат Зиятовна
Лингвокультурологическая и социопрагматическая особенность форм образа действия (на основе материала узбекского языка).....……...23

Rakhmatullaeva Shakhodat Ziyotovna
Lingvocultural and sociopragmatic features of the imaging forms (on the basis of material of uzbek).....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 49

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.30.05.2018.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТУЛЛАЕВА ШАХОДАТ ЗИЁТОВНА

ҲАРАКАТ ТАРЗИ ШАКЛЛАРИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ВА СОЦИОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТИ

(ўзбек тили материали асосида)

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2018.3.PhD/Fil 367 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида karshidu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Раупова Лайло Рахимовна**
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Пардаев Азамат Бахронович**
филология фанлари доктори

Назарова Саида Ахмеджановна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи илмий муассаса: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.30.05.2018.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Бош бино 3-қават, Фаоллар зали (305-хона).

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2018 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Н.Шодмонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси,ф.ф.д.

Г.Н.Тожиева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.ф.д. (PhD)

Д.Тўраев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д.,профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида XXI асрда тилда инсон омили, тил ва нутқий фаолият масалалари тадқиқи янги босқичга кўтарилиб, фан олдига янги муаммоларни қўймоқда. Инсоний феномен сифатидаги тилнинг моҳиятига кириб бориш, шу асосда шахс табиати, унинг социум ва этносдаги ўрни, интеллектуал ва ижодий имкониятларини янги илмий-назарий қарашлар ва методларга таянган ҳолда тадқиқ этиш ана шундай долзарб муаммолардан биридир. Тилшуносликда инсоннинг нутқ шароити ва мулоқот мақсадига мос равишда лисоний бирликлар имманент имкониятини қўллаш хусусиятларини очиб бериш, уларнинг прагмалингвистик, лингвокультурологик, этнолингвистик ва психолингвистик хусусиятларини ёритиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида лисоний фаолият ва унда инсон омилининг намоён бўлиш аспектларини ўрганиш тенденцияси кучайиб, тилни инсон, унинг онги, тафаккури, руҳий-амалий фаолияти билан боғлаб талқин қиладиган антропоцентрик тилшуносликка оид тадқиқотлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Бинобарин, лисоний имконият нутқда воқеланар экан, бунда инсон омили устуворлашади. Адресант ва адресат нутқининг ўзаро таъсири, улар шахсий манфаатларининг коммуникация жараёнида тўқнашуви ҳамда хусусиятларнинг мулоқот сифати ва йўналишига таъсирини антропоцентрик тилшуносликнинг замонавий тадқиқот усуллари билан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослигида лисон ва нутқни фарқлаш, тил ва маданият, тил ва мулоқот муштараклигини социопрагматик аспектда текшириш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди ҳамда лисоний имкониятлардан амалий фойдаланиш самарадорлиги муаммолари билан шуғулланадиган турли йўналишлар шаклланди. Бинобарин, «...илмий ва ижодий изланишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифа»[1] эканлиги ҳар бир фан соҳасида, жумладан тилшуносликда ҳам чуқур изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, тилимиздаги ҳаракат тарзи шакллари деб номланган “равишдош шакли+кўмакчи феъл” қолипли морфологик шакллар ўзбек тилининг миллий-ментал хусусияти, миллий тилимизнинг онтологик моҳиятини акс эттириши билан ажралиб туради. Шу боис уларни тил ва маданият, тил ва мулоқот муштараклигида ҳамда социопрагматик аспектда текшириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

---

[1]Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. – 56 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида ҳаракат тарзи шакллари кўмакчи феълли сўз қўшилмаси мавзуси остида тадқиқ қилинган. Бу борада А.Ҳожиевнинг “Ўзбек тилида кўмакчи феъллар” монографияси алоҳида аҳамиятга эга.[2] Унда кўмакчи феълли сўз қўшилмаларининг моҳияти, морфологик хусусиятлари, нутқий ва маъновий турлари атрофлича ўрганилган. О.Шукуров ҳаракат тарзи шаклларининг парадигматик хусусиятларини ўрганиб, унинг категориал моҳияти масаласини кун тартибига қўйди ва ўзбек тилшунослигига *ҳаракат тарзи шакли* атамасини олиб кирган.[3] Ҳаракат тарзи шаклларининг умумий грамматик маъноси, унинг оралиқ шакллар орқали хусусий грамматик маъноларни воқелантириши, бу жараёнда тил сатҳларининг ўзаро ҳамкорлиги масаласи субстанциал таҳлил усуллари асосида текшириш объекти бўлган. *Ҳаракат тарзи шакллари* тушунчаси унинг субстанциал таҳлили натижалари асосида ўрта ва олий мактаб дарслик, ўқув қўлланмаларидан жой олган.

Умуман, дунё тилшунослигида бу муаммо (рус тилшунослигида вид шакллари) бўйича кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган, ҳатто халқаро илмий анжуманлар ҳам ўтказилган. Жумладан, И.Гиганов ва О.Бётлинк ҳаракат тарзи шаклларини ғарб тиллари мисолида анъанавий таҳлил усуллари асосида тадқиқ этишган. Бироқ ҳаракат тарзи шаклларининг миллий-маданий, гендер ва прагматик хусусиятлари махсус ўрганилмаган. Бу тадқиқотда мазкур жиҳатлар тил ва маданият яхлитлиги муаммоси сифатида илмий текширилади.

---

[2] Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. Тошкент: Ўзбекистон “Фан”, 1966. – Б. 220.

[3] Шукуров О. Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2005.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Қарши давлат университетининг “Ўзбек тилининг структур ва социопрагматик тадқиқи” мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилида ҳаракат тарзи шаклларининг лингвокультурологик ва социопрагматик тавсифини беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳаракат тарзи шаклларининг семантик-функционал хусусиятлари ҳамда тадқиқи масаласини ёритиш;

ҳаракат тарзи шаклларининг ижтимоий хосланиш хусусиятини ўрганиш;

ҳаракат тарзи шаклларининг гендер тавсифини бериш;

ҳаракат тарзи шаклларини нутқ шароити ва вазияти нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

ҳаракат тарзи шаклларининг қўлланиш хусусиятини сўзловчи ва тингловчи руҳий ҳолатига боғлиқ равишда баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти ўзбек тилидаги ҳаракат тарзи шаклларидир.

Тадқиқотнинг предмети ҳаракат тарзи шаклларининг лингвомаданий ва социопрагматик қиррасининг тадқиқидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда систем-структур, таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, когнитив таҳлил методларидан фойдаланилган.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили ҳаракат тарзи шаклларининг маъновий структурасидаги миллий-маданий семалар ҳамда ҳаракат тарзи шаклларининг ҳаракатни турли томондан миллий психологияга боғлиқ ҳолда тавсифлаши назарий жиҳатдан асосланган;

ҳаракат тарзи шаклларининг сўзловчи ва тингловчининг ёши, касб-кори, савияси ва жинсига хосланган ҳолда қўлланиши тавсифланган;

айрим ҳаракат тарзи шакллари маъновий моҳиятининг сўзловчи ва тингловчи руҳий ҳолати (кайфияти, муносабати, нуқтаи назари ва бошқалар) га боғлиқ равишда намоён бўлиши аниқланган;

ҳаракат тарзи шакллари лингвомаданий ва социал хусусиятларини муайян нутқ шароитига боғлиқ равишда воқелантириши илмий далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагидан иборат:

тил миллий, лисоний ментал маданиятнинг ёрқин ифодаловчиси эканлиги, ўзбек тилида лексик бирликлар маъноларини воқелантирувчи, муайянлаштирувчи ва нутққа хословчи воситалар бўлган грамматик шаклларнинг миллий менталитетни намоён қилиш ҳамда ёшларнинг мулоқот маданияти даражасини кўрсатиш имкониятининг кенглиги илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

диссертацияда тўпланган материаллар ўзбек социолингвистикаси ва лингвокультурологияси бўйича тузилган луғатларни янада бойитиши

кўрсатилган;

тадқиқот натижасида мулоқот жараёнида айрим ҳаракат тарзи шаклларининг қўлланиши сўзловчи ва тингловчи руҳий ҳолатига боғлиқ равишда намоён бўлиши аниқланган;

ҳаракат тарзи шаклларининг миллий-маданий, гендер ва прагматик хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган материалларнинг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукаммаллиги, қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, жаҳон тилшунослигининг энг янги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари миллий-маданий, гендер ва прагматик хусусиятга эга бирликларни илмий ўрганишда назарий аҳамият касб этади. Шунингдек, тил бирликларининг онтологик моҳиятини тасвирлашга хизмат қилувчи назарий-методологик тавсияларни ишлаб чиқишда аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса таълимнинг турли бўғинлари учун ўзбек тилидан дарслик ва қўлланмалар яратишга, олий филологик таълимда ихтисослик ва танлов фанларини ташкил этиш, тавсиянома ва йўриқномалар тайёрлашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Ҳаракат тарзи шаклларининг лингвокультурологик ва социопрагматик хусусиятларини очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

ҳаракат тарзи шаклларининг лингвомаданий ва социал хусусиятларига оид илмий натижалардан ОТ-Ф8-002 рақамли “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 августдаги 89-04-1210-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида ҳаракат тарзи шаклларининг ҳаракатни турли томондан миллий психологияга боғлиқ ҳолда тавсифлашига доир назарий қарашларни мукаммаллаштиришга эришилган;

ҳаракат тарзи шаклларининг воқеланишида ижтимоий-лисоний омилларнинг уйғунлиги, лисоний бирликлар нутқда нолисоний – социал-психик, прагматик омиллар билан бевосита ва узвий боғлиқ ҳолда воқеланишига оид назарий хулосалардан БА-1-023-рақамли “Бадиий санъат асарлари талқини ва унда маданий нутқ ролини кучайтириш асосида ёшлар дунёқарашига миллий ментал омилларни сингдириш” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 августдаги 89-04-1210-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини

қўллаш ҳаракат тарзи шаклларининг сўзловчи ва тингловчининг ёши, касб-кори, савияси ва жинсига хосланган ҳолда ифодалашда хизмат қилган;

тилшуносликдаги ўзгаришлар, нутқнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий омилларнинг грамматик маъно воқеланишидаги ўрни ва роли, мулоқот жараёнида прагматик ва социал омилларнинг лисоний ҳодисалар билан уйғунлашувига оид фикрларидан Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг “Тил – миллат кўзгуси”, “Қадрият” кўрсатув ҳамда “Долзарб мавзу”, “Муносабат” эшиттиришларида фойдаланилган (Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 27 августдаги 12-15-1371-сон маълумотномаси). Натижада айни кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва янги манбалар билан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 122 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик ҳолати ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари тавсифланган; олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Ҳаракат тарзи шаклларининг маданий аспекти»** деб номланган биринчи бобида ҳаракат тарзи шаклларининг семантик-функционал хусусияти, туркийшуносликда ўрганилиши масаласи ёритилган, грамматик шаклларда миллий-маданий белги муаммоси ўртага ташланган ҳамда ҳаракат тарзи шакллари орқали миллий-маданий ўзига хосликнинг намоён бўлиши масаласи таҳлил қилинган.

Ўзбек тилида ҳаракат тарзи шаклларининг семантик-функционал структураси ўзига хос. Ҳаракат тарзи шаклларида кўмакчи ва етакчи феълни боғловчи восита вазифасида *-(и)б, -а/й* ёки белгисиз (феълларни жуфтлаш) шаклларидан бири қўлланиб, уларнинг қайси бири иштирок этаётганлиги ҳаракат тарзи шакли ифодалайдиган маъноларнинг тарз ва тусини белгилайди. Ҳаракат тарзи шаклининг таркибий қисми бўлган кўмакчи феълларнинг грамматик маънолари асл субстанцияси – луғавий

маъноларидан қай даражада узоқлашганлиги билан фарқланиб туради. Баъзи кўмакчи феъларнинг грамматик маънолари луғавий маънодан узоқлашмаган бўлса (*бошла*), бошқаларида узоқлашишнинг энг чекка нуқтага етган ҳолатини кўришимиз мумкин. Фикримизча, кўмакчи феъллар грамматик маъноларининг ўз луғавий маъноларидан қай даражада узоқлашганлик даражаси мутлақ ёки нисбийлиги билан характерланади.

Баъзан ҳаракат тарзи шакллари таркибида кўмакчи феълнинг грамматик маъноси асос феъл луғавий маъносидан максимал даражада узоқлашган бўладики, бу боғловчи воситаларга мутлақо боғлиқ бўлмайди. Аксинча, кўмакчи феъл ўз луғавий асосидан семантик жиҳатдан максимал даражада узоқлашганлиги сабабли маълум боғловчи восита орқали етакчи феълга боғланишга хосланади. Масалан, қуйидаги кўмакчи феъллар биргина морфологик шакл билан етакчи феълга бирика олади ва бу кўмакчи феъллар ўз луғавий асосларидан максимал даражада узоқлашганлиги учун ҳам фақат бир восита билан боғланишга "кўникма" ҳосил қилган: *бер/вер (ёза берди/ёза верди)***,** *ёз (йиқила ёзди)*, *кўр (айта кўрма)*, *сол (кела солиб)*, *тур (ёза тур)*, *қол (айта қол)*. Шунинг учун ҳам бундай феъллар кўп ҳолларда етакчи феъл билан қўшиб ёзилади: *ёзаверди, йиқилаёзди, ёзатур, айтақол* каби. Шу боис бундай шаклларни феълнинг ҳаракат тарзи, аниқроғи, аналитик шакллари деб аташга шубҳа билан қарайдиганлар ҳам бор. А.Юлдашевнинг фикрича, бошқирд тилидаги *яза башла, язып бир, барып ет, язып бол, язып куй* кабиларнинг феъл шакллари эканлиги шубҳа уйғотади. [4]

Ҳаракат тарзи шаклларида феълнинг луғавий маъносини модификация қилиш, нутққа хослаш вазифаси амал қилади. Ҳаракат тарзи шакллари феъл лексеманинг луғавий маъносини модификация қилиш билан бирга, уларнинг бирикувчанлик-бириктирувчанлик имкониятларига ҳам таъсир қилади. Ҳаракат тарзи шакллари феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг "тарз" семасини муайянлаштирганлиги сабабли бу феъларнинг релятив валентлигига таъсир қилади. Бошқача айтганда, лексемаларнинг "тарз" семали лексемалар билан бирикиш имкониятларини муайянлаштиради. Масалан, "*Боланг уч-тўрт кун қийналади, кейин ўрган**иб кетади***" (А.Қаҳ.) гапида етакчи феъл "секинлик билан" семасига уйғун маънони ифодалайдиган ҳаракат тарзи шаклини қабул қилганлиги туфайли унинг ҳаракатнинг тезлик билан амалга оширилишини ифодалайдиган лексема билан бирикиши номеъёрий бўлади.

Ҳаракат тарзи шакллари таркибидаги кўмакчи феъларнинг луғавий маънони йўқотиш даражаси уларнинг етакчи феъл луғавий маъносига тобелик даражасини ҳам кўрсатади. Кўмакчи феъл луғавий маъносини қанчалик кўп йўқотган, яъни асос феълдан қанчалик кўп узоқлашган бўлса, унинг етакчи феъл луғавий маъносига тобелиги шу даражада кучаяди.

Шуниси характерлики, кўмакчи феъллар луғавий шакл ясовчи қўшимчалар каби функционал қийматга эга. Шу сабабли етакчи ва кўмакчи

[4] Юлдашев А.А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. – М: Наука, 1965. – С. 46.

феъл бирикувидан ташкил топган, “ажралганлик” хусусиятига эга бўлганлиги учун аналитик феъл шакли деб юритиладиган ҳаракат тарзи морфологик кўрсаткичлари луғавий шакл ясовчи ҳам деб номланади. Демак, *аналитик шакл* атамаси уларнинг шаклий структурасига, *ҳаракат тарзи* шакли атамаси эса мазмуний моҳиятига нисбатан танланган.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида бирорта соф кўмакчи феъл йўқ. Манбаларда қайд этилишича, 30 га яқин мустақил феъл кўмакчи феъл вазифасида кела олади. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, мустақил феълларнинг кўмакчи феъл вазифасида келиб, грамматик маъно ифодалаган ҳолатидан омонимликни қидириш керакми ёки кўп маънолиликни? Ўзбек тилининг турли изоҳли луғатларида мустақил феълларнинг кўмакчи феъл вазифасида келиши уларнинг маъноларидан бири сифатида қайд этилади. Аммо кўмакчи феълнинг нутқда мустақил феъл эмаслиги, яъни ёрдамчи сўзлиги уни мустақил феъл доирасидан ташқарига чиқаради. Шу билан бирга, кўмакчи феълнинг луғатларда ифодалайдиган маъноси фақат унинг маъноси эмас, балки равишдош шакли билан бириккан ҳолда юзага чиқадиган маъносидир. Англашиладики, ҳаракат тарзи шакли унинг таркибидаги мустақил феълдан тамомила бошқа хусусиятга эга.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ҳаракат тарзини ифодалашни фақат кўмакчи феълли сўз қўшилмаси билан чегаралаб қўйиш унинг функционал моҳиятини торайтиради. Туркий тилларда ҳаракатнинг бажарилиш тарзи кўринишларидан бўлган ҳаракатнинг кучли ёки кучсиз даражасини билдирадиган аффиксал кўрсаткичлар ҳам мавжуд бўлиб, тадқиқотда уларнинг ҳам лингвомаданий ва социопрагматик хусусиятларини тадқиқ қилиш кўзда тутилган. Улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) ҳаракатнинг кучсиз даражасини кўрсатадиган аффиксал ҳаракат тарзи шакллари: -мсира/имсира: *йиғламсира, кулимсира;* -қира/инқира: *ишонқира, оқаринқира, ўчинқира;* -ш/иш: *тўлиш, қизиш, оқариш;* -к/ик/к/ик: *тутақ, толиқ, жунжик, кўник;*

2) ҳаракатнинг кучли даражасини кўрсатадиган аффиксал ҳаракат тарзи шакллари: -ла/ала: *қувла/қувала, ишқала, савала...;* -қи/ғи: *юлқи, сизғи, тўзғи, бижғи;* -чила: *типирчила, терчила;* -а: *бур – бура, қувон – қувна, урин – урна;* -гила/кила/ қила/ғила: *югургила, титкила, чопқила, турткила, тортқила, эзғила, чўзғила;* -га/ка/қа: *сурга, сурка, чайқа* кабилар.[5]

Диссертациянинг ушбу бобида туркийшуносликда ҳаракат тарзи шаклларининг ўрганилиши масаласига ҳам муносабат билдирилган. Ишда туркий тиллардаги феъл аналитик шаклларининг ўрганилиши қуйидаги даврларга бўлинган: 1) феъл аналитик шаклларининг келиб чиқиши талқинлари даври (XIX аср); 2) феъл аналитик шаклларининг структураси талқинлари даври (XX аср); 3)феъл аналитик шаклларининг антропоцентрик талқинлари даври (XXI аср). Туркийшунос олимлар И.Гиганов, М.Иванов, Т.Макаров, А.Троянский, А.Казембек, В.Радлов, А.фон Габен, М.Мансуроглу, Я.Экман, К.Менгес, А.А.Юлдашевларнинг

[5] Ona tili. Qomus. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2009. – Б.99.

аналитик феъл шаклларига доир қарашлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, ҳаракат тарзи шаклларида миллий-маданий белги муаммоси тадқиқ этилган.

Тилшунослигимизда “халқ ва тил”, “миллат ва тил” муаммосининг қўйилишига Э.Сепир ва Б.Уорффларнинг тилнинг инсонга таъсири гипотезаси туртки бўлди. Шундан сўнг тилларнинг миллий-маданий хусусияти масаласига кўплаб тилшунослар ўз эътиборларини қаратдилар. Бугунги кунда тил ҳодисаларининг миллий-маданий хусусияти муаммолари психолингвистика, социолингвистика, этнолингвистика, этнопсихолингвистика, хорижий тилларни ва маданиятларни ўқитиш назарияси ва амалиёти фанларининг ўрганиш объектига айланиб улгурди. Аммо бу муаммони илмий адабиётларда атрофлича очиб берилган деб бўлмайди. Тилшунос А.Вежбицкаянинг фикрича, ҳар бир тил миллий хосланганлиги билан характерланади, бунда тил нафақат табиий шароит ва маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради, балки тил соҳибларининг миллий характери ўзига хослигини ва тафаккур тарзини ҳам ифодалайди. [6]

Миллий маданият тилнинг барча бирликларида акс этади. Грамматик ва луғавий маъно ифодаловчи бирликлар булар сирасида алоҳида ўрин тутади. Чунки ҳам луғавий, ҳам грамматик маънога эга бўлган, зарур ҳолларда грамматик маънони ифодалаш учун грамматик воситаларга эҳтиёж сезадиган сўз социал ҳодиса сифатида инсоният ижтимоий ҳаёти воқелиги, маданий турмуш тарзи, миллий дунёқараши ва тафаккур тарзини, борлиққа муносабатини ўзида акс эттиради.

Тил миллий-ментал маданиятнинг ёрқин ифодаловчиси бўлиб, ҳар бир сатҳ бирлигида бунинг хусусийлашуви ўзига хос тарзда намоён бўлади. Жумладан, ҳаракат тарзи шакллари феълнинг луғавий маъносини воқелантириш, нутққа хослаш, модификация қилишдан ташқари, сўзловчининг тингловчига руҳий муносабатини, ўзини тутишини, маданий савиясини ва фаросатини ҳам ифодалайдики, буларнинг барчасида ўзбекона андиша кўзга яққол ташланиб туради. Бунда ҳаракат тарзи шаклларининг қандай тузилганлиги, қайси восита ёрдамида кўмакчи феъл етакчи феълга боғланаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Аниқроғи, ҳаракат тарзи шакли ушбу маъноларни, бир томондан, юзага чиқарса-да, иккинчи томондан, сўзловчининг мулоқот интенцияси ва ментал маданияти мазкур ҳаракат тарзи шаклларининг воқеланишини тақозо қилади. Мисолларга мурожаат қиламиз: 1. *Меҳмон гапнинг сархонасини янгиламоқчи деган ўйда* ***кулиб қўя қолдим***. (А.Қаҳҳор) 2. *Мен бу гапга унча оғринмадим, эркак киши баъзан шунақа юраги торлик қилади,* ***деб қўя қолдим***. (А.Қаҳҳор)

Маълумки, бирон ҳодиса ёки воқеликка нисбатан *қўя қолмоқ* кўмакчи феълининг қўлланиши нутқ биринчи шахс томонидан ифода этилган бўлса, сўзловчининг, агар учинчи шахс тилидан баён этилган бўлса, субъектнинг воқеликка “бефарқлик”, “қўл силтаб қўйиш”, “менга нима” қабилидаги муносабатини билдиради. Бироқ берилган матнларда андиша мақсади

[6] Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. – М: Русские словари, 1996. – С.411.

“бирор нарса дейишдан ўзини тийишга ҳаракат қилиш”, “дилига озор бериб қўймасликка интилиш” маънолари билан юзага чиқади. Биринчи матнда қўлланган *деган ўйда*, иккинчи матндаги *унча оғринмадим* воситалари ҳаракат тарзи шаклининг андиша ифодачиси эканлигини кўрсатувчи омиллар мақомидадир. Демак, бу ўринда *қўя қолмоқ* ҳаракат тарзи шакли андиша ҳолатининг юзага чиқишида алоҳида аҳамият касб этади.

-*а қолмоқ* ҳаракат тарзи шакли иккинчи ёки учинчи шахс буйруқ-истак майлида қўлланганда “илтимос”, “ялиниш”, “узр” маънолари билан илтимоснинг хусусий кўринишлари сифатида юзага чиқади. Мисоллар: 1. *Эй, йўловчи,* ***бўла қол*** *қўноқ...* (А.Орипов) 2. *Ётар пайтинг бўлди-ку дер,* ***Кела қол****, дер, болажон.* (А.Орипов)

- *а тур* ҳаракат тарзи шакли эса буйруқни “юмшоқ” тарзда ифодалашга хизмат қилади ва бунда “ҳурмат” маъноси хусусий кўринишларда намоён бўлади: 1. *Афғонистонни* ***қўя турайлик****, ўртоқ прокурор! – дедим ҳорғин оҳангда ...*(Ў.Ҳошимов) 2. *– Ваҳмни* ***қўя туринг****. Ҳозир фахрдан гап очдингиз-ку.* (П.Қодиров) Албатта, *қўйинг* сўзшаклидан кўра *қўя туринг* сўзшаклида андиша, ҳурмат, ички маданият каби қатор ментал ҳолатларнинг диффуз ифодаларини кўриш мумкин.

Ҳаракат тарзи шаклларининг барчасидан ҳам андиша, ҳурмат, илтимос маъноларини қидириш маъқул эмас. Айримларида сўзловчининг салбий муносабати “ҳурматсизлик” маънолари билан қоришган ҳолда юзага чиқиши ҳам мумкин. Масалан, *-а сол, -а /-(и)б ташла, -и(б) ўл, -а/й кет* ҳаракат тарзи шакллари сўзловчи томонидан бошқа бир кишининг хатти-ҳаракатлари ҳақида фикр юритилганда салбий муносабатни, “беҳурматлик” маъносини ифодалаш учун қўлланади: ... *Улар мени сафларига олмайдилар. Қўйларимизни яна дарёдан ўтқазиб чет элга опқочиб кетади, деб* ***қувиб соладилар****. Итга талатадилар*... (С.Аҳмад)

Нутқ эгасининг муносабати салбий ёки бетараф бўлганда *-(и)б ташла* ҳаракат тарзи шакли ишлатилади ва мазкур ҳолатда феъл шаклининг ҳурмат ифодаловчи воситалар билан номувофиқлиги кузатилади.

Хуллас, айрим ҳаракат тарзи шакллари ўзбек миллий ментал қиёфасини, мулоқот маданияти савиясини яққол намойиш этади. Бундай вазиятда уларнинг қўлланиши сўзловчининг адресатга муносабати, шунингдек, социал ва прагматик омиллар билан боғлиқ бўлади.

Диссертациянинг **«Ҳаракат тарзи шаклларининг лингвосоциал аспекти»** деб номланган иккинчи бобида нутқда тарз маъносининг воқеланишида ижтимоий-лисоний омилларнинг уйғунлиги ҳамда ҳаракат тарзи шаклларининг гендер хосланиши масаласи ёритилган.

Лисоний бирликлар нутқда нолисоний – социал-психик, прагматик омиллар билан бевосита ва узвий боғлиқ ҳолда воқеланади. Бу жиҳат тилни жамият билан диалектик яхлитликда ўрганувчи, тил бирликларининг нутқда қўлланиш хусусиятлари ва уни воқелантирувчи омилларни

ўрганувчи махсус фан – социолингвистикани вужудга келтирди.[7] Социолингвистик тадқиқотлар лисоний бирликларнинг жамият аъзолари, ҳатто социум учун одатга айланган маданияти, урф-одатлари, этикетлари, расм-русумлари узвий боғлиқлигини, нутқ ана шу прагматик ва социал омиллар яхлитлигидан иборат жонли тизим эканлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, мулоқот жараёнидан бирор бир мақсад кўзланади. Мақсад эса прагматик ва социал омилларнинг лисоний ҳодисалар билан уйғунлашуви натижасида рўёбга чиқади.[8] Нутқий прагматик системада лисоний вербал ҳодисалар нолисоний ҳодисаларга нисбатан устувор аҳамиятга эга. Бироқ айрим ҳолларда вазият талаби, мулоқотнинг сифат ва хусусиятига боғлиқ равишда нолисоний ҳодисалар устуворлашиши мумкин. Баъзан лисоний омилларнинг кучайиши нолисоний омилларнинг сусайишига, нолисоний омилларнинг устуворлашуви эса лисоний воситаларнинг “исроф бўлиши”га йўл қўймайди.

Барча лисоний бирликларда бўлгани каби, грамматик шаклларнинг нутқий воқеланишида ҳам уларнинг нолисоний омиллар, жумладан, ижтимоий омиллар билан қоришган ҳолда воқеланишини кўрамиз.

Грамматик маъно ифодаловчи воситаларнинг ижтимоий хосланиши лексик бирликлардан анча мавҳумлиги ва фонетик ҳодисаларга нисбатан маълум даражада устунлиги билан характерланади. Бироқ *ижтимоий хосланиш* тушунчасининг *социал хосланиш*дан кенгроқ идрок этилиши, унинг шахс омили билан бирга, этик, этник, ҳудудий, маданий жиҳатларни ҳам қамраб олиши грамматик шаклларда ҳам ижтимоий-лисоний хусусиятларни яхлитликда ўрганишга асос бўлади.

Грамматик шаклларнинг сўзловчи ёки тингловчи субъект шахс хусусиятларига мувофиқ равишда қўлланилиши, сўзловчининг қайси шева ёки лаҳжага мансублиги, нутқнинг қайси тарихий даврга хослиги, нутқ маданияти меъёр ва талабларига мувофиқ равишда, шунингдек, сўзловчининг тингловчига ўз муносабатини намоён қилиш мақсади билан боғланиши ҳам ижтимоий омилларнинг грамматик маъно воқеланишидаги ўрни ва ролини кўрсатиб туради. Ёзувчи Т.Муроднинг “Ойдинда юрган одамлар” қиссасида келтирилган қуйидаги матнда грамматик шакл қўлланишидаги устувор ҳудудий ва этник омилларнинг ўзига хослигини кўрамиз: *Келин пояндозни бир-бир босиб келди. Юзларида оппоқ* ***ҳарир бўлди****. Бошида ипак* ***рўмол бўлди****.*

Матнда кесимлик шакли вазифасидаги *бўлмоқ* феълининг ижтимоий хусусияти – ҳудудий хосланиши намоён бўлган. Бу феъл матнга Сурхон воҳаси этник руҳини бериш вазифасини бажарган. Агар матн ушбу белгидан холи қилинса, қуйидаги кўриниш юзага келади: *Келин пояндозни бир-бир босиб келди. Юзларида оппоқ* ***ҳарир****. Бошида ипак* ***рўмол****.*

---

[7] Лингвистический энциклопедический словарь. Гл. ред. В.Н.Ярцева. – М: Сов. Энциклопедия, 1990. – С. 481.

[8] Тоирова Г.И. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик: Филол.фан.фалс. док. ... дисс. (PhD). –Тошкент: 2017. – Б. 157.

Грамматик шакллар орқали ижтимоийлик белгисининг ифодаланишида тарихий давр, муҳит ва шароит омили ҳам иштирок этади. Бу омиллардан тарихий асарлар яратишда адиблар унумли фойдаланишади. Этномаданий жиҳатлар билан муштарак ҳолда амал қиладиган ҳудудий омиллар грамматик шаклларда ижтимоийлик белгисини кучайтиради. Масалан: *Худойга шукур, тетикман, – деди чол бамайлихотир. – Насибамизни жеб журибби з, болам. Ленинниям кўрдиқ. Кал ленинниям кўрдиқ.* (Ў.Ҳошимов)

Ушбу парчада қўлланган грамматик шакллар нафақат сўзловчининг маълум бир ҳудуд ва лаҳжага мансублигини, балки шу лаҳжа ва ҳудуднинг ёши улуғ вакили эканлигини ҳам кўрсатади.

Ҳаракат тарзи шаклларининг грамматик маъноси ва қўлланишида ҳам ижтимоий-лисоний омиллар таъсири сезилади. Бунинг бир неча сабаблари бор: 1) ҳаракат тарзи парадигмаси аъзолари сони бошқа грамматик шакллар парадигмалари аъзолари сонидан анча кўплиги билан характерланади; 2) ҳаракат тарзи шакллари кўпинча воқеликни ифодалашни устувор субъектив муносабат билан амалга оширади (бундай ҳолат отлардаги субъектив муносабат шаклларида ҳам яққол кўзга ташланади); 3) ҳаракат тарзи шаклларида ўзбек тилининг ҳудудий кўринишлари билан боғлиқ шакл ва маънода этник вариантлашув ҳоллари ҳам кўпроқ.

Ҳаракат тарзи шаклларида нолисоний-ижтимоий омилларнинг ҳар хил турлари – этник хосланиш ва ҳудудий қўлланиш хусусиятига эгалик, тарихий вариантларнинг мавжудлиги, лисоний шахснинг ёши билан боғлиқ ҳолда ишлатилишдаги фарқ ва тафовутлар, шахснинг адресатга субъектив муносабатининг ифодаланишида юзага чиқадиган кўринишлари кузатилди.

Этник ижтимоий хусусиятлар лисоний шахснинг социал мавқеи ва роли, жинси, савияси, ёши каби ижтимоий хусусиятларига қоришган ҳолда намоён бўлади. Масалан: *Қўшчи белқарсдан билак ўтказди... Аммо-лекин! — деди. — Айтинглар, қани, мен кимман? Деҳқонлар ўзаро* ***қарашиб олди****. Биламиз демишдай, бош ирғади.* (Т.Мурод)

Эътибор берилса, адиб этник омилларни кучайтириш асосида этноментал хусусиятларни ёрқинроқ намойиш қилиш, бунинг натижасида китобхонда этник колорит таъсирини ошириш пайида бўлган. Матнда қўлланган *қарашиб олмоқ* ҳаракат тарзи шаклида ҳам шундай ҳолни кўриш мумкин. Одатдаги, меъёрий қўлланишда ҳаракат тарзи шакли қуйидагича шаклланади: "*Деҳқонлар ўзаро қараб олишди*". Аммо бунда "ўзаро" сўзи сакталикни ҳосил қилади. Буни бартараф этиш учун гап "*Деҳқонлар бир-бирига қараб олишди*" кўринишида бўлиши лозим эди. Аммо фақат "*Деҳқонлар ўзаро қарашиб олди"* гапида ҳаракат тарзи шаклининг окказионал қўлланиши этник колоритни беради. *Қарашиб олмоқ* феълида "ҳаракатнинг давомийлиги" семасига бетарафлик мавжуд. Давомийликни таъминлаш мақсадида *қарашиб олмоқ* феълидаги етакчи феъл адиб томонидан такрор қўлланади: *Деҳқонлар ўзаро* ***қарашиб-қарашиб олди****.*

Ҳаракат тарзи шаклида етакчи қисмни такрор қўллаш орқали тарз маъносини кучайтириш қипчоқ лаҳжаларидаги ўзига хос этник хусусият

бўлиб, нутқда нисбатан фаол қўлланади. Баъзан кўмакчи қисмнинг такрор келиши давомийликни бўрттиришда қўл келади: – *Бўлди! – деди.* – ***Бебошлик қила берди-қила берди****, тонглар бошига-да етди...* (Т.Мурод)

Ҳаракат тарзи шаклларининг қисман ёки тўлиқ такрорланиши амалга оширилаётган ҳаракатнинг тарзинигина эмас, агар муаллиф нутқида қўлланган бўлса, унинг персонаж ёки умуман объектив воқеликка муносабатини; персонаж нутқида қўлланган бўлса, дискурсив жараёндаги бошқа бир шахс ёки объектив воқеликка салбий ёки ижобий муносабатини баён этиш учун ҳам хизмат қилади.

Айрим ҳаракат тарзи шаклларида, адабий нутқ меъёрларидан чекиниш ҳоллари кузатилади. Масалан, *жеркимоқ* феълининг *ташла* кўмакчи феъли билан бирикиши (*жеркиб ташламоқ*) узуал ҳодиса. Лекин адиб қипчоқ лаҳжасида бу мустақил феълнинг *ол* кўмакчи феъли билан бирикувидан иборат ҳаракат тарзи шакли (*жеркиб олмоқ*)ни жуда кўп қўллайди. Адиб этник қўлланишнинг ўзига хослигидан фойдаланиб, окказионал тарзда *қалқиб-қалқиб олди, қараб олди* шаклларини ҳам ишлатади.

Баъзан ижодкор иш-ҳаракатнинг давомийлигини ифодалайдиган ҳаракат тарзи шаклларидан унумли фойдаланиб, тасвирда этник колоритни кучайтиради: *Бола онасининг бошини* ***опичлаб-опичлаб олди.***

Таҳлиллардан маълум бўладики, нутқда айрим тил бирликлари этник омил билан уйғунлашган ҳолда воқеланади Ҳаракат тарзининг этник хосланган ҳолда қўлланиши лисоний шахс ёки адресат характер-хусусияти билан қоришган ҳолда намоён бўлади.

Ҳаракат тарзи шаклларининг қўлланишида тарихий омил ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Ёзувчи П.Қодировнинг “Авлодлар довони” романида қўлланган *-иб қол* грамматик шакли воситасида ҳосил қилинган ҳаракат тарзи шакллари асосида шундай хулосага келдикки, уларнинг қўлланилиши персонажлар нутқини индувидуаллаштиришга бўйсундирилган. Ушбу грамматик шаклга қўшилган кесимлик шаклларининг эскирган вариантлари уларга тарихийлик тусини берган. Ҳаракат тарзи шаклларидан кейин қўшилиб, уларнинг тарихий бўёққа эгалигини таъминлаган грамматик шаклларни қуйидагича таснифлаймиз:1)кесимлик категориясининг эскирган шахс-сон шакли: – *Мактубни кеча ётган жойимда* ***унутиб қолдирибмен****;* 2) кесимлик категорияси таркибидаги эскирган келаси замон шакли: *Бу пир қочиб чиқса, равшанийлар исёни янада авжланиб, Ҳайбар довони* ***бекилиб қолгай****;* 3) кесимлик сўзи таркибидаги таъкид маъносидаги боғлама: *“Хайрият, филбонини жазолатганимга унча хафа бўлмабдир, попуги босилиб,* ***дуруст бўлиб қолибдир****”, деган ўй билан Акбардан ўзича мамнун ҳам бўлди*; 4) кесимлик шаклидаги сўзнинг узоқ ўтган замон маъносини ифодаловчи эскирган морфологик шакли: *Рост, инсон зоти даҳшатли зиддиятлар исканжасига* ***тушиб қолмишдир.***

Кўринадики, ижтимоий-тарихий омил ҳаракат тарзи шаклидаги феъларнинг ифода маъносини тарихий бўёқ билан бойитади.

Диссертациянинг мазкур бобида айрим тарихий манбаларда ишлатилган ҳаракат тарзи шакллари тарихий шароит омили билан боғлаган ҳолда ҳам таҳлил қилинган.

Маълумки, гендер тилшунослиги умумий планда қуйидаги икки муаммо билан шуғулланади: **1. Тил ва унда жинснинг акс этиши.** Муаммога бундай ёндашувдан мақсад инсонга хос жинсий фарқланишнинг тилда қай тарзда акс этиши, қандай тил бирликларида эркак ва аёллик белгиларининг ёрқин ифодага эгалиги кабиларни аниқлаш ва уларга тавсиф беришдан иборат. Бунда биринчи навбатда тилнинг номинатив тизими, лексикаси, синтаксиси, род категорияси кабилар ўрганилади. **2. Эркак ва аёлларнинг нутқий хулқига хос бўлган гендер фарқланиш.** Бунда эркак ва аёлларнинг нутқида учрайдиган ўзига хос тактик ҳолат, стратегиялар, гендер жиҳатдан фарқли бўлган лексик бирликлар, лексик бирликнинг нутққа танлаб олинишидаги ўзига хосликлар, эркак ва аёллар нутқига хос характерли синтактик бирликлар ўрганилади.[9]

Англашиладики, биринчи йўналишда ҳаракат тарзи шаклларидан гендер белгини қидириш ўзини оқламайди. Зеро, туркий тилларда лексик сатҳда гендер фарқланиш мавжуд бўлса-да, бироқ грамматик шаклларда бу белги махсус кўрсаткичлар (рус тилидаги каби род грамматик категорияси) билан ифода этилмаслиги шундай хулоса чиқаришга асос бўлади. Бироқ айрим ҳаракат тарзи шаклларининг аёл ва эркаклар нутқида қўлланишга хосланиши уларни гендер аспектда ўрганишга йўл очади.

Фикрларимизни А.Қаҳҳорнинг 20 та ва А.Мухторнинг 12 та ҳикоясида қўлланган [*-а/й қол*] қолипли ҳаракат тарзи шаклларининг статистик таҳлили асосида далиллаймиз. Маълум бўлдики, [*-а/й қол*] қолипли жами 23 та ҳаракат тарзи шаклидан 9 таси аёллар, 14 таси эркаклар нутқида ишлатилган. Демак, А.Қаҳҳор ва А.Мухтор асарларида [*-а/й қол*] қолипли ҳаракат тарзи шакллари айнан эркаклар нутқида қўлланишга хосланганлиги билан ажралиб туради. Бунинг сабабларини, аввало, мулоқот хулқининг ўзига хослиги, қолаверса, аёл ва эркакларнинг характер хусусиятларидан қидирмоқ лозим. Бироқ бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, нутқий мулоқотда тил бирликларининг гендер жиҳатдан хосланиши доимий характерда бўлади деб бўлмайди. Муайян нутқ шароитида шахснинг жинс белгиси айрим бирликларга йўл очиб, бошқаларига йўл бермаслиги мумкин.

-(и)б сол қолипли ҳаракат тарзи шаклининг қўлланишида ҳам гендер хосланиш кузатилди. Бу шаклнинг *тўкмоқ* феъли билан келиши кўпроқ эркаклар нутқида аёлларга тавсиф беришда учраши маълум бўлди. Аммо буни қатъий ҳолат деб бўлмайди, *-(и)б сол* қолипли ҳаракат тарзи шакллари маълум даражада аёллар нутқида ҳам ишлатилади. *-(и)б сол* қолипли ҳаракат тарзи шакллари эркаклар нутқида баъзи аёлларга хос “дийдиё қилиш”лик, уларнинг жаҳлини босиш ва асабларини тинчитиб олиш мақсадида аламини бошқалардан олишга интилиши кабиларга изоҳ беришда ишлатилади. Қуйидаги матнда эса *тўкиб солмоқ* ҳаракат тарзи

[9] Бу ҳақда қаранг: https://sites.google.com/site/yazyk13/podgotovka-k-ekzamenu/gendernaa-lingvistika

шакли маст эркакнинг ҳолатига тавсиф беришда муаллиф нутқида қўлланган: *Ичувчиларнинг ажаб турфа хиллари бўлади. Биров сал кайф қилса, ширингина жинни бўлади-қолади... Умрида қилган ҳамма ифлосликларини ҳаёсизлик билан* ***тўкиб солади***. (А.Мухтор)

Биз кузатган манбаларда *-(и)б сол* ҳаракат тарзи шакли фақат *тўкмоқ* феъли билан келганлиги қайд этилди. Таҳлил этилган мисолларда *тўкиб солмоқ* ҳаракат тарзи асосан *ҳасрат, дард* сўзлари билан боғланиб, метафорик маъно касб этган ва барча ўринларда нутқ феъллари ифодалайдиган хатти-ҳаракатни кучайтирган ҳолда ифодалаган.

Хуллас, айрим ҳаракат тарзи шаклларининг эркак ва аёллар нутқига хосланишида фарқ кузатилади. Назаримизда, яратилажак янги луғатларда ҳаракат тарзи шаклларидаги бу каби жиҳатларни ҳам аниқроқ изоҳлаш лозим бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ҳаракат тарзи шаклларининг лингвопрагматик аспекти»** деб номланган. Бу бобда грамматик шакл ясовчиларни прагматик аспектда ўрганиш масаласига муносабат билдирилган, мулоқот тизимида нутқий шароит ва вазиятнинг ўрни текширилиб, ҳаракат тарзи шакллари умумий грамматик маъносининг воқеланишида бу омилларнинг муҳим ўрин тутиши аниқланган.

